

**ПАХТАЧИЛИКДА ЗАМОНАВИЙ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ
ЭТИШ ВА ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТ ТАЪМИН ЭТИШНИНГ
ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИ**

Ишниязов Зоҳид Нормаматович,

*Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва
тадқиқотлар халқаро маркази тадқиқотчиси*

Пахтачилик тармоғида маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ғўза навларининг хусусиятларига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб, пахта майдонларида олиб бориладиган сифатли агротехник тадбирлар, ғўза навларининг генетик салоҳияти билан белгиланувчи ҳосилдорлик кўрсаткичлари орқали намаён бўлади. Ҳар қандай янгидан яратилган ва нисбатан юқори хўжалик ва иқтисодий кўрсаткичларга эга бўлган нав ҳам ўзининг наводорлик салоҳиятини фақатгина тегишли тарзда амалга оширилган агротехник тадбирлар, самарали агротехнологиялар жорий этилиши шароитидагина тўлиқ намаён қилади.

Худудлар шаротига мос, бозор талабига жавоб берадиган сифатли маҳсулот бериш салоҳиятига эга бўлган нав ҳам сифатли уруғликлардан фойдаланиш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказилган шароитда кутилган натижани бериши мумкин. Демак, пахтачиликнинг истиқболи янги агротехнологияларни жорий қилишга ҳам боғлиқ.

Пахтачиликда мўл ҳосил олиш, тола сифати яхшиланиши, маҳсулот таннархи пасайишига тежакор ва самарали агротехнологияларни жорий қилмасдан эришиб бўлмайди. Бозорнинг пахтачилик маҳсулотарига қўядиган талаби ва пахтачилик худудларида иқлим ўзгаришидаги фарқларни (сув танқислиги, кузги совуқ ва ёғин - сочинлар эртароқ бошланиши) ҳисобга олган ҳолда ғўза навларини яратиш, ғўзани парваришlash агротехникаси ўзгаришига ҳам сезиларли таъсир кўрсатиб боради.

Бугунги кунда пахтачилик соҳасида долзарб бўлган янги агротехнологиялар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- суғориш тизимидаги ўзгаришлар: - сув танқислиги ортиши туфайли томчилаб суғориш, ёмғирлатиб суғориш, мулчаб суғориш, сизот сувлар чуқурлигига қараб табақалашган суғориш, эгилувчан қувурлар орқали суғориш, пушта оралатиб суғориш тизимидан фойдаланиш;

- тупроққа ишлов беришдаги ўзгаришлар: - пахта майдонларида тупроққа минимал ишлов бериш, ҳудудларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда экин майдонларини шудгорлаш чуқурлигини танлаш, пленка остига чигит экиб, ерга ишлов бериш сонини кескин камайтириш кабилар;

- ғўзани озиклантиришда ва минерал ўғитлар нисбатидаги ўзгаришлар: - маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш асосида минерал ўғитлар сарфини камайтириш, минерал ўғитлар нисбатини (NPK) табақали белгилаш, сидерат экинлардан фойдаланиш;

- бегона ўтларга, ғўза касалликлари ва ҳашоротларга қарши курашда, ғўза баргини тўкишда биологик услублар нисбатини ошириш;

- ғўза вегетацияси давридаги ўзгаришлар: - ҳосилни бир марта териб олиш, ғўза баргини тўкиш ва чилипишдаги янги технологияларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ.

Пахтачиликда экологик агротехник услублардан фойдаланиш масаласи жуда мураккаб жараён бўлиб, бу биринчи навбатда экологик муаммолар пайдо бўлишида сезиларли рол ўйнайдиган пахтачилик тармоғи муҳимлиги ва айни пайтда атроф муҳит муҳофазаси билан шуғулланишдан моддий манфаатдорлиги кам бўлган пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари фаолияти мазмуни билан бевосита боғлиқ.

Мазкур масалани ҳал этишда биринчидан, хусусий мулкчилик ва эркин тадбиркорлик тамойилига асосланган ҳолда маҳсулот етиштирувчи фермер хўжаликларининг пахтачилик соҳасида экологик жиҳатдан нисбатан камроқ зарарли агротехнологияларни қўллашнинг рағбатлантириш механизмини (моддий манфаатдорлик механизми) жорий этишни тақозо қилади.

Иккинчидан атроф муҳит ифлосланиши жараёнини давлат идоралари ҳамда жамоатчилик томонидан назорат қилишнинг самарали ва содда услубини ишлаб чиқиш жорий этиш лозим бўлади.

Пахтачилик тармоғини ривожлантириш билан боғлиқ экологик муаммолар олдини олиш, бартараф қилиш мақсадида янги агротехник услубларнинг экологик зарарсизлик жиҳатларига баҳо беришда қуйидаги вазиятларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

- пахта етиштирувчи фермер хўжалиги пахта экин майдонлари тупроқ таркиби, унумдорлиги ва мелиоратив ҳолати, сув таъминоти даражаси ва сизот сувлар чуқурлиги;
- пахта ишлаб чиқариш иқтисодий иқтисодий самарадорлиги, ресурслар сарфининг қопланиши даражаси;
- пахтачилик ҳудудидаги аҳоли зичлиги, пахтачилик соҳасининг ҳудуддаги бандлик даражасига таъсири, қишлоқ хўжалиги соҳасининг ҳудуд доирасида аҳолининг оила бюджети даромадидаги салмоғи, пахтачилик соҳасида банд бўлган ходимлар билим даражаси;
- пахта етиштириш технологиясига мавжуд техникаларнинг мос келиши ва моддий-техник ресурслар таъминоти даражаси;
- пахтачилик соҳасида алмашлаб экиш тизимини жорий этиш даражаси ва пахтачилик соҳасининг экин майдонлари тупроқ унумдорлигига таъсири;
- пахтани қайта ишлаш натижасида олинадиган озиқ - овқат маҳсулотлари (пахта ёғи) ва чорва моллари учун емларнинг (кунжара, шрот ва шелуха) инсон ва чорва моллари организми учун зарарлилик даражаси;
- пахтачилик соҳасида фойдаланилаётган мавжуд агротехник тадбирларнинг ҳудуддаги экологик мувозанатга таъсири ва бошқалар.

Юқоридаги илмий –амалий хулосалар асосида қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

1. Пахтачилик тармоғида агротехник тадбирларни амалга оширишда экин майдонинг мелиратив ҳолати ва сувдан фойдалиниш даражасини инобатга олиш лозим;

2. Пахтачилик тармоғида агротехник тадбирлардан фойдаланишда ҳудуддаги экологик мувозанатга таъсир даражасини камайтириш учун кўпроқ органик ўғитлардан фойдаланиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Хушматов Н., Республикада пахта хом ашёси ишлаб чиқариш борасидаги муаммолар: Ўз БИИТИ Илмий ишланмалар тўплами. – Тошкент, 2002. -31 б.
2. Бекназаров Ў.Ф., Мырзаев Б.Ж. Пахтачилик тараққиёти ва экологик маслаҳат тизимини ривожлантириш узвийлиги. /- Тошкент, ЎзБИИТИ, 2007, -57-58-б.
3. Бекназаров Ў. Файзуллаева Т. Экологик мувозанат // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –Тошкент, 2007. -№ 6. 19
4. Муаллифнинг илмий- амалий изланишлари натижалари.